

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ



40 сон
1997 йил 1 -
7 октябр

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!



Ушбу сонда «Шухрат» медали нишондори Абдул Ғани ЖУМА олган суратлардан фойдаланилди.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

МУАЛЛИМ

Муаллим ҳақида сўзим ушбундир:
Муаллим камолот ичра кўзгудир.
Ўқидим Геродот, тарихни кўп бор,

Фаробий, Дантени такрор ва такрор.
Барини ўқидим, лол қолди ақлим,
Барига устозсан ўзинг, муаллим.
Алишер қалбига солган сеҳр-файз
Сенсан, эй, муаллим, устоз Абул-Лайс.
Қутлуғ хонадонда қутлуғ калом бу,
Ҳамид Олимжон бу, Фафур Фулом бу.

Амир Темур сендан топгандир таълим,
Сен шундоқ, азиз зот, азиз муаллим.
Рост айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,
Сен ҳаёт ганжида дурри бебаҳо.
Улуғ айёмингда шеърй калом бу,
Шоғирдлар помидан қутлуғ салом бу.

ҲАЁТИМНИНГ ЭЪЗОЗЛИ ОДАМЛАРИ

Инсон уз умри давомида купгина яхшиликларнинг гувоҳи буларкан. Гоҳо бировнинг жиндай муруввати сабаб, мушкулингиз энгиллашиб кетаркан, гоҳо бировнинг салгина ҳимоysi сабаб ҳаётингизда кескин юксалиш юз бераркан.

Бу яхшиликларнинг баъзисига ширин суз билан жавоб қайтарсангиз, баъзисига олам-олам миннатдорчилигингизни изҳори булган «рахмат» сузи билан кифояланиб қўяқоларкансиз ва Худога ушбу сузни инсоният орасида юргизиб қўйгани учун шукроналар айтаркансиз.

Сирдарё вилоятининг Ховос шаҳридаги 85-урта мактабда мен бир умр таъзим қиладиган, мен бир умр ардоқлаб эслайдиган азиз устозлар бор:

Шамсиддин Туюмов, Мамадумар Ғафуров, Маматқул Султонқулов, Ҳалима Исломова, Холмумин Эшқулов, Таслима Имомова, Ҳалима Раҳимжонова, Аноржон опа, Урозали ака...

Эҳ-э, сиз қадрдон муаллимларимни эслаганда юрак гупуриб кетади. Ҳаётимнинг энг азиз дамларидаги эъзозли одамлар сизларсиз!

Сиз бизга Ватанни танитдингиз, элу-юрт, миллатни танитдингиз, ислом таълимини бердингиз, буюк инсонийлик руҳида тарбияладдингиз.

Сиз бутун умрингизни маърифатга, илмга, муаллимликка бағишладдингиз. Бу шубҳасиз жасоратдир.

Сиз, бутун умрингизни мисқолчалик тулов сурамай, шоғирдларингизга беминнат бахшида этдингиз, бунинг юксак мақом деб, бурч деб билдингиз.

Сизнинг меҳнатларингиз зое кетмади. Балки жамиятимизга катта қалб эгаларини, олий илм жиловдорларини етиштириб берди.

Илк сабоқ берган сиз азиз уқитувчиларимизга кунглимизда доимий миннатдорлик ҳисси яшайди.

Илоҳо, бизни уз мурувватлари билан, маърифатлари билан қарздор этган устозларнинг, мураббийларнинг иймонини басаломат, ҳаётини фаровон қил, икки дунё саодатини дариг тутма, энг яхши тилақларини ижобат эт, пок ниятларига йулдош қил!

Асқар Раҳмон

Муассисларимиз фаолиятдан

ЭЪТИРОФ

1 октябрь — уқитувчилар ва мураббийлар кuni муносабати билан халқ таълими соҳасининг бир гуруҳ ходимлари республикаимизнинг орден-медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланди. Шулар орасида I ва II даражали «Соғлом авлод учун» орденига сазовор булганлар ҳам бор. Кuni кеча «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида ана шу юксак нишон билан тақдирланган Тошкент шаҳри ва вилоят халқ таълими ходимларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Жамғарма раиси Г. Йулдошева жамғарма президенти Т. Каримованинг табригини ўқиб эшиттирди ҳамда илғор мураббийларга жамғарманинг эсдалик совғаларини топширди.

Бир пиёла чой устида давом этган дилкаш гурунда республикаимизда халқ таълими соҳасига кейинги йилларда катта эътибор қаратилаётгани таъкидланиб, уқитувчилар курсатилаётган ғамхўрлик учун Президентимизга ўз миннатдорчиликларини ихсўр этишти.

Ўз мухбиримиз



Барглр ҳам сарғайиб қолди

Санъаткорларнинг табиати чиндан нозик ва инжиқ бўлади. Айниқса, улар таъкили бўлса. Маъшур италиялик хонанда Адриано Челентаного ҳам бу характер бегона эмас. Яқинда уни Болонья шаҳрида утказилган улкан анжумандаги концертга таъкиф қилишди. Концерта Рим папаси Иоанн Павел Шинг шахсан иштирок этиши эълон қилинди. Бирок Челентано шундай шарт қўйди: унинг чиқинди Италия давлат телевидениеси «РИА» эзиб олиб намайш қилмаслиги керак. Дарҳақиқат, хонанда «РИА» телекомпанияси билан анчадан бери келишмайди.

Хуллас, концерт арафасида Челентано черковна навбатдаги маросимга бориб қатнашди ва у ерда рудонийнинг тилидан Инжилда айтилган Исонинг сузларини эшитди: кимки менга эргашмоқчи бўлса, кибру хавосидан, мендиганоз воз кечсин. Бу сузлар Челентанони қароридан қайтарди — у телевиденига аччиқ қилиб, ўзи қўйган шартдан воз кечиб, концертда иштирок этишга розилик билдириди.

Зимбабве пойтахти Харари шаҳрида бу мамлакатнинг собиқ президенти Капанан Банана

устидан суд жараёни олиб борилмоқда. Унга қўйилаётган айб ҳеч қандай сиёсий, ижтимоий масалаларга алоқаси йўқ. К. Банана узининг шахсий қуриқчиларини биргаликда жинсий алоқа қилишга мажбур этганликда айбланмоқда. Қуриқчилардан бири сафдошнинг: «сен Банананинг «хотинисан», деган гапига чидай олмай отиб қуйгач, сир фоиш булган. 10 йил озодликдан маҳрум этилган бу қуриқчи турмада утириб собиқ президент узини секевал алоқаларга мажбур этгани учун уни судга берган. Ҳозирча бу иш буйича 35 нафар гувоҳ суроқ қилинмоқда.

Собиқ президент 61 ёшда, хотини, туртта боласи бор. Агар унинг гомосексуализмга алоқаси борлиги аниқланса, қолган умрини қамоқда утказишга мажбур бўлади.

Америка ишбилармон доираларининг газетаси «Жорнлоф комерс энд коммерш» яқинда Россияда олиб борилаётган исохотлар ҳақида мақола эълон қилди. Унда эзилишгча, Умумжаҳон банкининг йиллик ҳисобот докладыда Россияда юзага келган «талончилик капитализми» бу мамлакат иқтисодига тушов бўлмоқда. Умумжаҳон банкининг баёнотида қайд этилишича, Россияни утирлик, талон-

«ЖОНИНГИЗГА ЖОН БЎЛАЙ, ОНАМ»

Пойингизда утириб, туни билан мижа қоқмай ушбуларни ҳаёлимдан утказаяпман, онажон:

Аср юзини қураётган азиз волидам! Бир парча этлигимдан паллаб мени катта қилганим. Тушлари ун бор уйғониб, кукрак тутган, «ух» десам ухламай чиқган, Онажоним. Тилларида асалновот берган меҳрибоним!

Сиз мен каби ун беш нафар фарзандларингиз устида парвона булдингиз. Ҳар биримизнинг бешигимиз устида энг дилбар «алла»ларни айтдингиз.

Шу туфайлиданми фарзандларингиз қобил чиқинди. Барча бил турли касб-ҳунар эгаллаб, ҳалол меҳнат билан оқ сутингизни оқлаяпти. Акаларим Тошпулат, Ғайрат, Шавкат, Аловиддин, Шаҳобиддиндек чи-

норларингиз билан ҳозир фахр-ифтихордасиз, онажон.

Волидам, бестоб, мадорсиз оёқларингизни силай туриб, Яратгандан сизга шифо сурайман.

Дардингизни олай, онажоним. Сиз туриб кетсангиз, юриб кетсангиз, нанки хонадонимиз, бутун жумлаи жаҳон ёришиб кетгуси, хонадонимиз ҳам қуёшдек чарақлаб кетгуси.

Аср юзини қураётган, онажоним. Машаққатли умрингизда неларни бошдан кечирмадингиз. Қаҳатчиликлар, қатагонлар, уруш азоблари, вайронагарчиликлар, барча ўзбек оналари каби сизни ҳам синади. Барчасига чидалингиз, бардошлигим. Ҳаётнинг аччиқ ситамлари юзингизга ажинлар солиб кетди, кузла-



Таъзим

рингиз нурини олиб кетди. Сунбул сочларингизга қироллар тушди.

Бу йил она-Ватанимиз олти ёшга тулди. Давлатимиз ҳаминша мустақкам булсин, — дея доимо дуо қиласиз. Мен ҳам бағрига истиқлол шабадаси теккан ва мустақиллигимиз йулида шижоат курсатётган ватандошларимга Сизнинг асрга тенг умрингизни тилайман, онажоним.

Низомиддин ИСАБОВ,
Тошкент, Чўпонота даҳаси

САХОВАТПЕШАЛИК

Чуст узининг гузал табиати, салқин ва баҳаво боғлари, меҳнаткаш, меҳмоннавоз халқи, ҳунармандлари билан маъшур. Бу ерга қушни вилоятлардан саёҳат ишқибозлари, меҳмонлар келишиб, қадамжоларни зиёрат, шаҳарни саёҳат қилишади. Яқинда Учқуприк ва Бувайда туманлари фахрийлари саховатпеша инсон Ҳомид ота Мирзалиев ҳомийлигида Чуст шаҳрига саёҳат қилдилар. Барча харажатларни Ҳомид ота ўз зиммасига олди.

АНОР ПЎЧОҒИДАН БЎЁҚ

Марғилон «Едгорлик» жамоа корхонасида пиёз ва анор пўчоғидан табиий буюёқ олиш узлаштирилди. Бу янгилик миллий ҳунармандчилик, туқимачилик саноати учун айнақса муҳимдир. Жамоанинг бир гуруҳ мутахассислари йил бошида Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида бўлиб, бу борда тажриба урганиб қайтган эдилар. Эндилик-

да бу буюёқдан шойи газламаларни буюшда ҳам фойдаланилмоқда.

ХИЗР НАЗАР ҚИЛГАН МАСКАН

Фарғонадаги адирлар бағрига жойлашган Чимен кишлоғини жаннатмакон дейдилар. Сувлари шарқираб оққан, яшил боғлари қузни қувнатган жой деб таърифлайдилар. Сувининг шифобахшилиги, муъжизакорлиги билан Хизр назар қилган маскан деб аталгучи бу қишлоқда яқинда яна бир сихатгоҳ очилди.

Бу сихатгоҳда физиотерапия, умуртқа бутини, асаб, тери-таносил касалликларини ванна билан даволаш ва аёлларнинг турли касалликлари буйича булимлар ишлаб турибди.

Маҳфуза УСМОНОВА,
Фарғона



тароҳлик уясига айлантирган исохотлар барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашга йул қўймайди. Бу мамлакатда амалдорлар ва қўлбола капиталистлар узаро бирикиб, бир-бири билан рақобатлашадиган гуруҳларга уюшиб, қонуналарга зил ишларни амалга оширишмоқда.

Умумжаҳон банкининг хулосаларидан маълум бўлишича, талончиликка асосланган капитализм оқибатида йнгилан бойлик мамлакат иқтисодига ҳеч қандай наф келтирмайди, аксинча, бу бойлик чет элларга олиб чиқиб кетилди ва Россиядан узоқ жойларда сарф қилинади.

Жаҳон бозорида олтиннинг баҳоси кейинги 12 йил мобайнида энг қуйи даражага тушиб кетди. Умумжаҳон олтин кенгашининг ҳисоб-китобларига қараганда, бу қимматбаҳо металл таъаб қамайгани йўқ, аксинча, ортгиб бормоқда. Утган йили жаҳонда олтинни со-

тиш буйича узига хос рекорд қуйилди. Хуш, талаб шундай ортгиб бораётган бир шароитда нега олтиннинг баҳоси тушиб кетаётган? Чет эллик экспертларнинг фикрича, бунинг бир қанча сабаблари бор. Жумладан, жаҳон биржарларидаги олиб-сотарлар жуда катта миқдордаги олтинни арзон баҳода сотиб олиб, кейинчалик фойда қилишни кузлаб, қаллоблик билан иш юрийтишмоқда. Қолаверса, совуқ уруш замонининг туртапи, жаҳонда нисбатан барқарорлик уриштирилгани, қўллаб-даватларнинг бозор иқтисодига утгани ҳам бу масалага ўз таъсирини қурсатган. Урушлар, пулнинг қадрсизлиги кетиши, ҳукуматларнинг ўқувсизлигидан қўчиган одамлар «қора қунага» деб, пулни олтинга айирбошлаб, уни сандикларда сақлашган. Бундай хавфнинг бир қадар бартараф бўлиши ҳам олтин баҳосига салбий таъсир этган омиллардандир.

Айни пайтда жаҳон олтин захирасининг 88 фоизи беш давлат: АКШ, Германия, Франция, Италия ва Швейцария хазиналарида сақланади. Шунингдек, Австрия, Жазоир, Ҳиндистон, Хитой, Россия, Ливан, Бразилия, Венесуэла ва Япониядаги 9 та марказий банкнинг ҳар биридаги олтин захиралари 155 тоннадан ошади. Ушбу давлатлар ва банклр олтин баҳоси-

нинг тушиб кетганига ҳозирча ўз муносабатларини деярли билдиришгани йўқ.

Германиянинг Беблинген шаҳрида гаройиб мусобақа бўлиб ўтди. Бу мусобақада «Хотираси энг кучли киши» деб 42 ёшли Хелга Петмайер тан олинди. У рақамларнинг териб қуйилган узундан узоқ қаторини, тартибсиз терилган уйналадиган карталарнинг жойлашишини, мантқан бир-бирига боғланмаган сурачталарни қандай курсатилган бўлса, айнан шундай эслаб қўлиб, ҳаммани қойил қолдирди. «Спорт»нинг бу турти Германияда жуда оммавий. Мусобақа лаюмида голий Х. Петмайер 52 донга, арашай қилиб терилган уйналадиган картани бир қарашда хотирлаб, ярим соат ичида хотирасида «тиклаб», қандай терилган бўлса, шундайлигича териб бера олди. Яна бир «Хотираси кучли киши» — А. Вильгельм 15 дақиқа ичида бир-бирига боғланмаган 50 сузани қандай тартибда айтилган бўлса, шу тартибда хотирасида сақлаб, айтиб берди. Бундай мусобақаларнинг, айниқса, ешларга таъсири уларнинг билим олишларида жуда асқотиши тайин.

МИНГ ДАРАГА ДАВОМИ?

Мунозара учун мавзу

Агар эътибор бериб кузатаётган бўлсангиз, кейинги йилларда одамларимиз табобатта катта қизиқиш билан қарамоқдалар, саломатлик, умр узунлиги учун фойдали омилларни сураб-суриштиришга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Одам уз вужудининг, ақлининг гамини смоқлиги қандай яхши. Лекин чамаси, бу нарса гоҳо мсёридан ҳам ошиб кетаётгандек таассурот қолдирмоқда. Ақли бутун одам, ҳар бир киши ҳаргиз унутмаслиги керак: улуг китобимиз Қуръони каримда гуноҳ нима, савоб нима, зарар нима, шифо нима, бари-бариси айтилган. Инсон боласи узига буюрилмаган, ман қилинган ишлардан сақланиши ҳам керак. Лекин қон томирларимизда ялло қилиб юрган шайтони лаъин гоҳо одамни шу қадар васвасага соладики, ҳеч бир айттулиги йўқ.

Саломатликнинг, наслнинг, ақл-идрокнинг қандай шакл, мазмун касб этмоги шубҳасизки, сийланишдан луқмангизга ҳам боғлиқ. Бошқача булишини ҳаргиз кутманг. Бу гапларни айтишдан мақсад нима? Баъзилар ҳозир Исролда буюрилмаган еки бўлмаса бобо-момоларимиз, ажлодларимиз смаган, ҳаттоки ейишдан ҳазар қилган ҳайвонлар, даррандаларнинг гуштини қайнатиб, қовуриб, керак бўлса, димлаб истеъмол қилишнинг катта йулига чиқиб олдилар. Қараңки, очарчилик йилларида ҳам оталаримиз тиёҳларнинг томирғача, кунжарагача ейишган. Бироқ уларнинг илон, ит, мушук, типратикан, жайра, чучқа гуштини еганишлари ҳақида ҳикоя қилишмайди. Демак, улар ҳар қанча қийнасалар-да, бундай таомлардан ҳазар қилганлар, узларини тийганлар.

Бир қавмнинг егани нукул ит гушти. Улар ит гушти еган одам тумовга гирифтор бўлмайди, баданига асло совуқ татсир қилмайди, деб уз қилмиш-фелларини оқлашади. Балки шундайдир, буни энди қилни қирқ ёрган мутахассислар, таомшунослар айтишлари керак. Лекин бир нарса кузатишмоқдаки, уша қавмнинг вақиллари узок яшаётганликларини еки юз-куз-

лари чиройли даражада нуруний бўлиб кексаликка юз бурганини одамлар қуришмаяпти. Юзлари бужмайган, қузларидан нур, маъни, афтидан фаришта қочган қарияни қуриб ит гуштининг фойдаси ҳам узига яраша экан-да, деган хулосага борасиз. Хуло қурсатмасин, ит гуштини еявериб, охир одам итфеъл бўлиб қолса, қаёққа дод деб борамиз!

Айрим билагонлар тумов бўладиган одамларга ит гушtidан қилинган қовурма еки димламани қатъият ва ишонч билан шифо-комил дея тавсия қилипади. Лекин тумовни даволаш учун бизда минг битта усул бор. Одамнинг феъли шундайки, у гоҳида нимаики ман қилинса, ушанга қараб хуруж қилади. Қуҳна касалдан азоб тортаётганлар, табиб ва ҳақимлардан туляк шифо тополмай, икки жапон овораси бўлиб юрганлар юқорида тилга олинган жониворлар этини есалар, уларни балки тушуниш мумкин. Лекин, турт мучаси соғ бўлса-да, ҳавасаки чучқа, ит, жайра, илон гуштини турли йусинда пишириб ураётганларни шайтони лаъин йулдан оздиргани ҳақ гап.

... Мана, бир суҳбатнинг тафсилоти:

— Ит гуштини еганмисиз? — сурайди бир киши суҳбатдошидан.

— Хуло сақласин-е, ейдиган нарса қуриб, энди итнинг гуштини ейманми? — сесканиб жавоб қилади иккинчи суҳбатдош.

Биринчи суҳбатдош ҳеч нарсага эътибор бермай яна давом этади:

— Мен ит гушtidан неча марта туйдим. Димламасини ҳам, қовурмасини ҳам, ҳаттоки тандирда пишганини ҳам маза қилиб едим. Биласизми нима, ит гушти ҳар қандай тумовнинг йулини шартта қирқар экан! Одамга совуқ татсир қилмайди-ей. Бир овчига айтиб қуйганимиз, жайра олиб беради. Ишонч бўлса, жайра гушtidан ҳам бир туйсак, бизга ҳеч қандай касаллик доримайди.

Исролда айтиладики, етти қаддам наридан утган итнинг дами теккан идиш-товоқ ҳаром бўларкан. Бундай идишларни қатрон

қилмаса, ҳаргиз тоза бўлмайди. Ит ялаб кетган идиш-товоқ, таомларни-ку, энди қуяверинг. Унда ит гушти еган одам қандай бўлади?!

... Сиз ҳам кўпни қурган одамсиз, эпитиб, билиб юрибсиз. Ҳозир қулвор илоннинг нархи етиб, саккиз минг сумгача чиқиб кетди. Илон шурванинг фойдалари ҳақида баъзи билагонлар шу қадар илиқ ва самийи гапларни айтишяптики, бир кунгиз сизда ҳам «илон шурвалдан бир маза қилиб ичсаммикан?» — деган уй пайдо бўлади. Хуло асрасин!

Шарқ ҳақимларидан бири Муҳаммадал-Ҳаравий қаламига мансуб «Манофий ул-ҳаёт» («Жонзотларнинг фойдаси») деган китобда айрим ҳайвонларнинг хосиятлари ҳақида фикр юритилган. Табиийки, бу фойдалар энди бирон-бир оғир хасталикка мубтало бўлганлар учундир. Соғлом одам шундай қилсин, деб айтилмаган. Масалан, унда бури ҳақида шундай дейлади: «Қуланж (қолит) касали бор одам бури терисидан белбоғ боғлаб юрса, даво бўлади». Тунгиз (чучқа) ҳақида шундай дейилган: «Агар бирор кимсани илон чаққан бўлса, тунгиз жигарини шаробга қушиб еса, фойда қилади. Агар жигарини асал билан қушиб ейилса, қабзият (ич қотишни) йўқотади». Ит хусусида шундай эзилган: «Тутқаноғи бор одам ит терисига утирса, тутқаноқ тутиши тухтайди. Итнинг янги сийдигини қутурган ит тишлаган жойга қуйилса, шифо бўлади».

Қураясизки, улуг ҳақим шифо йулларини айтаяпти, лекин соғлом бўлсангиз ҳам чучқа, ит, илон гуштини қовуриб, димлаб, тандир кабоб қилиб еяверинг, деб маслаҳат бермаяпти. Тилга олинаётган жониворларнинг гуштини муғтасил еки вақти-вақти билан соғлом одамларнинг-да истеъмол қилиб

юришлари фойдали еки зарарли эканлиги чуқур уйлаб қуришмаяпти. Исролда ман қилинганми, уламо, ҳақим, ақли қолмиш ажлодларимиз, бобоқалонларимиз тавсия этмаганларми, демак, бир гап бордир, деган уй хаёлга келмайди! Нукул илон шурвага илхос қуяверсангиз, нукул ит, чучқа, жайра гушtidай тандиркабоб, димлама еб, димоғни чоғлайверсангиз, эрта бир кун наслингизга тузатиб бўлмас зарар етса, қаёққа бориб арзингизни айтасиз?

Тиббиёт фани ҳар қанча ривож топмасин, зур ҳақимлар қанчалик кўп бўлишмасин, цивилизация қанчалик баландга урлаб бормаса, яра-чақани даволаса булар, синган-чиққани тузатса булар, жарроҳликка оид хасталикларни кесиб, тикиб даволашар, лекин асло хомтама бўлмагн — бизни кечиринг — бузилган, айниган наслини, насли нуқсонни ҳаргиз тузата олмастар.

Шундан Сизнинг хабарингиз



борми? Сиз қаёқдан биласиз: балки илоннинг, итнинг еки бошқа ейиш тавсия этилмаган, буюрилмаган жониворларнинг гушти охир бир кун инсон ҳужайраларида, туқималарида, борингки, ақл-идроқиди тузатишмас иллат, хато ҳосил қилар. Ушанда ким Сизнинг додингизга етади, кимдан шифо топасиз?

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ,
Сурхондарё вилояти



«УЗУН ТЕРАК» ГОЛЛАНДЛАР

Кейинги йилларда Европада бўлган ҳақиқат голландларнинг олдида тушпадигани топилмай қолди. Эркакларнинг буйи уртача 183, аёлларнинг буйи эса 169,3 сантиметрни ташкил этмоқда. Мамлакатдаги олти фоиз эркакнинг буйи 193 сантиметрдан юқори. Ҳар минг кишидан бири эса 2 метрни орта қолдиради. Маастрихт университети олимларининг фикрича, XXI аср урталарига бориб голландларнинг буйи уртача 2 метр бўларкан.

ДОЛЛАРЛАР «САЁХАТГА» ЧОҒЛАНДИЛАР

Новосибирск аэропортида чегарачилар Сурияга учинишга тайёрланаётган самолётнинг юкхонасига яшириб қуйилган 250 минг АҚШ долларини топишди. Одатдагидай пулнинг эгаси кимлигини аниқлашнинг илоҳи бўлмади ва у давлат газнасига топширилди.

ТУҒФОН АЙЛАДИ ВАЙРОН

Канаданинг Онтарио вилоятидаги Оуэн-Саунд шаҳри яқинида кучли туғфон бўлди. У қуллаб уйларнинг томини учуриб кетди, бир қанча кичик-кичик уйларни вайрон этди. Елма-ён ҳовлидаги иккита уйни эса девор-песворлари, одамлари билан учуриб, 100 метр наридаги кулнинг уртасига ташлади. Яхшиямки, қурбонлар бўлмади.

«ХҲРОЗҚАНДА ХОРИЖНИКИ ДЕСА...»

Германияда бир қанча супермаркетларда сотилаётган ширинликлар — шоколадлар текшириб қурилди. Маълум бўлишича, «Людвиг шоколад ГМБХ» фирмасида тайёрланаётган шоколадларнинг сифати паст экан. Чиройли, ялтироқ қоғозларга уралган шоколадларнинг сақланиш муддати ҳали тугамаган бўлса-да, қуртлаб етган экан. Шунинг учун, азизлар, хуросқанд хорижники деса, етиб ялашпа пошпилманг.


МУАММОЛАР ОЗ ЭМАС

Россиянинг Пенза вилоятида кейинги йилларда мактаблар деярли қурилгани йўқ. Шунинг учун ҳозир 1075 синф хонасига эҳтиж бор. 27 мактаб авария ҳолатида, 250 га яқини эса жиддий таъмирга муҳтож. Хуллас, янги укув йили муаммолар билан бошланди.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

БОВ

Боб исмли чумоли галактика буйлаб сайрга отланади. Уни кузатар экан, отаси бир қанча маслаҳатлар беради, лексин улар Бобнинг бу қулоғидан кириб унисидан чиқиб кетади. Оқибатда унинг космик кемаси метеорит билан туқнашиб кетади. Сизнинг вазифангиз чумолига янги космик кема топиб, отаси олдида соғ-омон қайтишига кумаклашиш. Йулда сизни қуллаб саргузаштлар кутади. Кемангизни ураб олишга тайёр турган чирмовуксимон утлар, нинасини қайраб турган чағлар, оғзидан олов пурқаётган митти ҳайвончалар, электр ва миана майдонлари орасидан зиензаҳматсиз утолсангизгина манзилга ета-сиз.



«SEGA» ОЛАМИГА САЁХАТ

филми (бош ролда Силвестр Сталоне) сюжети асосида тузилган. Жиноятчилик авжига чиққан, одамлар оч, камбағал, Полициячиларнинг эса иши бошидан ошиб етибди. Жумладан, сержант Жон Спартайн (унинг ролдида С. Сталоне) ҳам тиним билмайди. Унинг бирдан-бир орзу-си ашаддий жиноятчи ва қотил Симон Феникснинг биқинидан дарча очиб куйиш. Ниҳоят, Спартайннинг орзу-си ушаладиган бўлди. Симон бир тудам

одамни ушлаб олиб, уларни озод қилиш эвазига уз шартларини бажаришни талаб этмоқда. Жонга жиноятчини ушлаш ва одамларни озод қилиш вазифаси юклатилди.

TOM END LERRU

Эскидан қадрдон, шу билан бирга душман бўлган Том ва Жерри Робин исмли душларини қутқариш учун йулга отландилар. Баҳайбат ит Спайкнинг олдида сездирмай утиб кетиш осон бўлмайди. Бизлиб бораётган уйда эса шилдан тушаётган қандиллардан, экранни портлаётган телевизорлардан, ҳамма нарсани ютиб юборишга тайёр чангочтичлардан эҳтиёт бўлиш керак. Олдинда эса ташландик ҳовлилар, саккизоёқлар ва бошқа қурқинчли саргузаштлар сизга «мунтазир».



«DEMOLITION MAN»

Бу уйин Ҳолливуднинг «Бузғунчи»

Абдусамат набираси Абдураши ғали
АБДУРАШИМ ака!

Сизни 23 ёшингиз билан табрик-лаб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, янги бошланган ишингизда омад тилаймиз. Мавлудакон кеннонимиз билан ҳаётингиз тотли бўлиб, ширин-шакар фарзандлар ато этсин деб

укаларингиз Абдифотиҳ,
Аброржон, Латофатхон,
Ўзгалихон.

Тошкент шаҳри



Хурматли касбдошмиз Маҳкам АЗАМАТОВ!

Кутлуғ ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз!

Мана, қирқ йилдирки, танлаган касбингизга меҳр қуйиб, эл-юрт фаровонлиги йулида фидокорона меҳнат қилиб келмоқдасиз. Меҳнатсеварлигингиз, фидойилигингиз билан ҳамма жойда одамлар ишончини қозониб, узингизга топширилган масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажариб келмоқдасиз. Озол мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш йулидаги саъй-ҳаракатларингиз билан биз, дўстларингиз, ҳамма фахрланиб юраемиз. Ҳамиша омон бўлинг. Бахт ва омад доимо сизга ҳамроҳ бўлаверсин!

Бутун сенинг туғилган кунинг Қалбингда жўш ураб қувончинг сенинг. Қалбингда не кечар ушбу кун сенинг Оллоҳдан мустажоб бўлсин орзуинг.

Хурматли падари (узрқуборингиз) Бахтияр ҲОШИЙОВ!

Сизни таваллуд айёмингиз, яъни 43 ёшингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр ва соғлик тилаймиз.

Фарзандларингиз: Шодиёр, Нилуфар, Сардор ва оииси Муҳтарам

Азиз укақоним, Қитоб таҳаф савматомини Собиржон ХОҲСАМОВ!

Сени 6 октябрь — таваллуд топан кунинг билан чин кунгилдан қутлаб, омад ва шодлик доимо ҳамроҳинг бўлишини, Оллоҳ умрингни узоқ, келажакнинг порлоқ қилишини тилайман деб

Акам БОҲИЙАРҲОҶИ!

Сизни 7-октябрь — 20 ёшингиз билан чин қалбдан табриклайман!

Оллоҳ умрингизни узоқ, толсеингизни баланд, келажакнинг порлоқ қилсин. Сизга сиҳат-саломатлик, ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламан.

Оила аъзоларингиз номидан укангиз
Уткиржон



Хурмамти ва азиз дадақон!

Сиз саккиз утил, икки қизингиз отасисиз, шунингдек олтингизга яқин неварачеваранинг бобоси ҳамсиз. Шу билан бирга узоқ йиллар педагогик касбини эъозлаб, қўлаб шоғирлар етиштирган қалби дарё устозсиз. Бу тинимсиз меҳнатларингиз асло зое кетмади. Сиз халқ маорифи аълоҳиси ва бошқа қатор фахрий унвонлар билан тақдирландингиз.

Сизни 1 октябрь — уқитувчи ва мураббийлар куни ҳамда 5 октябрь — таваллудингизнинг 74 йиллиги билан самимий қутлайман. Соғлик-саломатлик, тетиклик, хуш кайфият доимо ҳамроҳ бўлсин. Фарзандларингизнинг, неварачевараларингизнинг роҳатини кўринг деб

кўвингиз Муқимжон Сулаймонов



Хурмамти ва азиз онақонимиз

Фарида

ШОМУҲЗИПДИЯНОВА ва
ғалиямиз АҚБАРҲОҶИ!

Биз сизларни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизларга узоқ умр тилаб, оиламиз номидан

Хурмамт Мадинабону

ҚОЗОҚОВА!

Сени туғилган кунинг билан чин юракдан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Оллоҳ сенга бахт берсин.

Шоҳида

Даданг, онанг ва
укаларинг

Хурмамти касбдошмиз
ШОИР АҲОҶИ!

Биз сени 1 октябрь — туғилган кунинг билан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, келажакда бахтли бўлишингни Оллоҳдан тилаб қоламиз деб

Касбдошларинг




Касбдош дўстларингиз



Хурмамти, азиз ва

меҳрибон устозлар —
Шоҳкиш Давлат торидик
институтини факультетлари!
Сизларни 1 октябрь — уқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбдан муборакбод этаман. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман. Келгусидаги ишларингизда омад ер бўлсин.

Азамат Ҳамдамов,
шу институтнинг 1-
курс талабаси



СОТИЛАДИ

3 хонали кв. Чилонзор метроси олди-да. Тел. 76-45-29.

1 хонали кв. Халқлар дўстлигида, 2 қаватли гиштли уй, 1-қават. Қомолон маҳалла, Узгарипш кўчаси, 46-уй, 2-кв.

2 хонали кв. Чилонзор, 6-кварталда. Телефонни бор, темир эшикли. Тел. 42-76-76.

3 хонали кв. Халқлар дўстлигида. Тел. 42-35-49.

Файзобод маҳалласида, пишган гиш-дан қурилган, янги 11 хонали ҳовли. Тел. 92-09-43.

3 хонали кв. Марказда, тел. 35-01-59.

1 хонали кв. Максим Горький метроси олдида. 5 қаватли гиштли уй, 4-қават. Тел. 67-53-14.

Олой бозори атрофида 2 ва 3 хонали кв. тел: 34-69-01

АЛМАШАМАН

Себзорда 3 хонали уйни 2 хоналига эки сотаман. Тел. 40-00-79.

Фаргона шаҳридаги 4 хонали кв.ни Тошкент шаҳрига 2-3 хонали кв.га. Тел. 25-66-00 (Фарғонада).

«Форд — Темпо» автоси, 1986 йилги. Яхши ҳолда Тошкентда 1 хонали кв.га. Тел. 65-22-45.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси 1998 йил учун республика газета ва журналларига обуна бошланганини маълум қилади.

Сиз барча алоқа бўлимларида, обуна қабул қилиш пунктларида ҳамда жамоатчи матбуот тарқатувчилар ва хат ташувчилар ёрдамида уз севган наشرларингизга обуна бўлишингиз мумкин.

Обуна бўйича керакли маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: **133-60-78, 133-67-98, 34-85-88**



Азиз юртдошлар!
Севимли газетангиз «Оила ва жамият»га 1998 йил учун обуна бошланди.

Билиб қўйган яхши

ЯССИОЁҚЛИК ДАВОСИ

Яссиоёқлик кўпинча семиз кишиларда учрайди. Оёқ устида туриб ишлайдиган кишиларда ҳам яссиоёқлик пайдо бўлиши мумкин. Бундай касб эгалари паст пошна пойабзал кийишлари керак. Яссиоёқликнинг олдини олиш ва даволашда ялангоёқ юриш, қўмга югуриш, сакраш машқларини бажариш, спорт билан мунтазам шуғулланиб туриш яхши натижалар беради. Яссиоёқликдан қутилишга ердан берадиган гимнастика машқлари комплекси ҳам мавжуд: бунда оёқ учида, сунг оёқ бармоқларини қисган ҳолда, кейин оёқ бармоқларини юқорига кутарган ҳолда юриш керак. Бу машқлар кунига 4 марта бир дақиқадан бажарилади. Кейин оёқ бармоқлари билан полдан румолча, гижимланган қўғоғ, қалам, данак ва бошқа майда буюмларни олиб машқ қилинади. Етган ҳолда оёқ бармоқларини букиб ёзиш ҳам яхши натижалар беради.

Мирзамир
МИРЗАШАРИПОВ
Фарғона шаҳри

• Хотира

МЕҲРИБОН ОНАЖОНИМ!

Мана, икки йил бўлди. Сиз ора-мизда йўқсиз. Лекин биласизми, ҳанузгача мен бунга тан олганим йўқ. Аниқроғи, тан олганим йўқ. Худдики еш болалек, бугун бўлмаса эрта, эрта бўлмаса индин, лекин барибор ОНАЖОНИМ қайтдилар, мен ОНАЖОНИМИ албатта кураман деб, эртақларда бўлган воқеаларга ишониб, мен Сизни, ОНАЖОН, кутганим кутган.

Ғари билсамда, халқимиз эртақларни еш болаларимизга чиқарган, мен барибор нимагадир ишониб кутаман, узимни ҳар томонлама еш болалек овутиб, кунларимни утказаман.

Меҳрибон ОНАЖОНИМ! Биз сизни ҳеч қачон унутганимиз йўқ ва унутмаймиз. Сиз биз учун бор эдингиз ва бундан кейин ҳам борсиз. Сиз барҳаётсиз, ОНАЖОН. Биз фарзандларингиз Сиздан мингдан минг розимиз. Сиз ҳам биздан рози бўлинг, ОНАЖОН.

Оллоҳ Сизни раҳмат қилсин, етган жойингизни жаннат қилсин. Пок рўҳингиз шод бўлиб, биз фарзандларингиздан доимо хабардор бўлсин.

Уғайингиз Олимжон АБРОР
ўғли

• Мададталаб мактуб

БОР УМИДИМИЗ
СИЗЛАРДАН

Хурматли таҳририят ходимлари!

Менинг беш фарзандим бор, узим жамоа ҳужалигида ишлайман. Турмуш урғоғим Бешим Рузимуродов ҳисобчи бўлиб ишлайди. Лекин у мана икки йилдирки, умуман маош олмайди. Хужайиним жамоа ҳужалигининг пала-партиш, эскича усулда ишлайдиган раҳбарларига қарши чиққан, қўшиб ёзишларга ҳёқ қўйишни талаб этганда. Шунинг учун у ҳужалик раҳбарларига ёқмай қўлиб, ростгўйлигининг азобини тортаётган. Шу йил июл ойларида юқори идораларга сзган шикоятларимнинг

изидан вилоят ҳокими уринбосари Р.Султонов ҳужаликка келдилар. У киши эримга иш ҳақи ёзилиши шартлигини туман ҳокимига, ҳужалик раҳбари Х.Бегандиковга тайинладилар. У кишининг олдида қўлини қўқсига қўйиб турганлар, кетганларидан кейин тайинлаган гапларининг юздан бириниям бажаришмади. Вақтида ойлик ололмагач, беш болаимизнинг кийим-кечагино, уқув қурооларига пул етказолмай анча қийналиб қолдик. Улар тузук-қуруқ мактабга ҳам бормай қўйишди. Айниқса, ёгингарчилик, совуқ кунларда улар-

га қийин бўлади. Хуллас, шунақа гаплар. Энди бирдан бир умдим сизлардан. Эримнинг иш ҳақини ундириб беришга ердан қилингллар.

Ҳамроғи ТўРАЕВА,
Бухоро вилояти,
Қорақул тумани,
Э.Раҳимбердиев номи
ж/х,
10-бригада.

Таҳририятдан: ушбу шикоятни текшириб, ҳақингиз қарор топишига Бухоро вилояти ҳокимлигидаги мутасаддилар бел боғлаб киришадилар, деб умид қиламиз.

ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА НАЗАР

Тошкент Молия институти ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи муовини Наим Обломуродов билан суҳбат

— Республика Олий Мажлисининг сунги сессиясида таълим тугрисида Қонун ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқланди. Бу эса бугун халқ таълими тизими каби олий таълим олдига ҳам қатор вазирлар қўяди. Бу борада молия институтида қандай ишлар амалга оширилляпти?

— Институтимизда молия ва банк тизимида, халқ ҳужалигининг бошқа соҳаларида ишлаш учун 12 ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, институт қошида Банк коллежи, республика молия ва солиқ лизеи, бизнес мактаби ҳамда солиқ ўқув марказлари ҳам фаолият юритапти.

Кейинги йилларда институтимизда компютерлар ҳамда ўқитишнинг бошқа замонавий техник воситаларидан фойдаланиш кулами ва самардорлиги ошди, халқаро алоқалар кенгайди, бозор иқтисодиёти муаммоларига, молия, банк тизими ишга бағишланган ўқув-методик қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этишда сезиларли натижаларга эришилди.

Малакали мутахассислар тайёрлаш борасида бир қанча устивор йўналишларни ҳам белгилаб олганмиз. Жумладан, талабаларга ўз танлаган касблари бўйича билим бериш билан бирга, уларнинг маънавий олами-ни шакллантиришга эътибор қаратилиши керак. Мавжуд дастур

ва ўқув-услубий адабиётларни қайта қуриб чиқиш, янгиларини яратиш, «Умид» жамгармаси, халқаро тапшиқлотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириб, иктидорли талабаларни кўпроқ чет эл ўқув юртиларига ўқиш учун юбориш, институт моддий техникавий ва молиявий базасини мустаҳкамлашда биз тайёрлаётган кадрларнинг асосий истеъмолчилари булган банк, молия, солиқ соҳалари муассасалари билан яқиндан иш олиб бориш ҳам диққат марказимизда турибди.

— Сиз юқорида институтнинг халқаро алоқалари кенгайтиришга айтилган. Шу ҳақда батафсилроқ сузлаб берсангиз.

— Хорижгаги ўқув юртилари, банк, молия тапшиқлотлари билан ҳамкорлик қилишимизни замоннинг илгор талаби сифатида қараш керак. Жаҳон юрти-мизнинг иқтисодий, маданий маърифий ва бошқа йўналишларида потенциалитини тан олиб, юқори баҳо бераётган бир пайтда профессор-ўқитувчиларимиз, талабаларимиз жаҳон андозалари даражасидаги билим ва малака кўникмаларига эга були-

ши гоёт муҳимдир. Шунинг учун институтимиз жамоаси жаҳон банки, Европа ривожланиш ва тараққиёт банки, АРЕКС, ТА-СИС дастурлари, ривожланган давлатларнинг банк, молия бир-жа институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Шу туфайли ўтган бир йил ичида профессор-ўқитувчиларимиздан АҚШда 9 киши, Япония фонд биржасида 2 киши, Туркия банк ассоциациясида 4 киши, Германиянинг молия соҳасидаги илмий-тадқиқот институтида 4 киши малака ошириб қайтишди. АҚШ тинчлик корпуси ку-магида талабаларимизга инглиз тилида иқтисодий сабоқлари бериляпти. АҚШдан таширф буюрган уч профессор талаба-ларимизга халқаро валюта му-носабатларидан дарс утишди.

Ўтган йили иккита талабамиз АҚШда, бир талаба эса Герма-нияда таҳсил олиб қайтишди. «Умид» жамгармаси танловига ғолиб чиққан уч нафар талаба-миз ўқишларини АҚШда давом эттириляпти.

— Маънавий ва маърифий ис-лохотлар давлатимиз сийсатини-

нг устивор йўналишларини таш-кил этади. Бу йўналишда молия институтида амалга оширилаёт-ган ишлар ҳақида сузлаб бер-сангиз?

— «Хар қайси давлат, хар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, харбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда узининг маданияти ва маънавияти билан кучлидир», — деганларида юртбошимиз юз бора ҳақлар. Шунинг учун институтимизда маънавий-маърифий ишларни турт йўналишда олиб бора-ямиз, яъни, ўқув жараёнида, дар-сдан ташқари вақтларда, тала-балар уйларида, жамоанинг са-ломатлиги йўлида.

70 соатга мулжалланган «Маънавият ва маърифат асос-лари» ўқув дастури яратилди, қўлланмани эса тугатиш арафа-сида турибмиз. Турли виқтори-налар, конкурслар, иждоқорлар билан учрашувларга утказиб ҳам яхши аънаънага айланиб қолган. Лирик шоир, таржимон Маъруф Жалил билан учрашув, Ҳамза номидаги академик драма теат-ри, Муқимий номидаги мусика-

ли драма театри ижодий жамоа-лари иштирокидаги тадбирлар талабаларимизда катта қизиқиш уяғотди. Республика Олий ва ур-та махсус ўқув юртилари талаба-лари уртасида утказилган «Маънавият-қалбим қуеши» номи ишлар танловида ин-ститутимиз талабалари ҳам фаол иштирок этишди. Институтимиз талабаси Нодири Соатова ана шу танловда 2-уринни эгаллади. Институтимиз ўқитувчилари, та-лабалари «Ўзбекистон кўшиқ байрамида» ҳам мунтазам қат-нашпимокда.

Юнусобод тумани ҳокимия-ти «Энг яхши маънавият маъри-фат хонаси» кўрик-танловини ут-казди. Унда институтимиз тала-балар уйдаги «Маънавият ва маърифат хонаси» биринчи уринни эгаллади.

— 1 октябр — ўқитувчи ва мураббийлар куни республика-мизнинг ҳамма жойида катта шо-диёна билан қарши олинмоқ-да...

— Шу куни Ҳамза номидаги академик театрда институтимиз 1-босқич талабаларининг қаса-мёд қабул қилишига бағишлан-ган тантанали кеча утказилди ҳамда профессор-ўқитувчилар, талабалар учун «Соҳибқирон» спектакли намойиш этиляди.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Дармон ИБРОҲИМОВ суҳбатлашди

МЕХР БУЛОГИНИНГ ИРМОҚЛАРИ

Марғилон шаҳридаги араб ти-лига ихтисослаштирилган лицей ўқитувчиси Дилшод ака Алиева шогирдининг дил изҳори.

Таъзим

...Ушанда сизнинг «Алифбодан 22 сабоқ» дарсли-гингиз эндигина босмадан чиққан пайтлар. Истик-лол дин равнақиға кенг йул очиб берган. Одамлар араб алифбоси асосидаги ёзувни урганишга жон-жаҳди билан берилган кезлар эди. Шаҳримизда араб алифбосини урганиш курси ташкил этилганини эшитиб қолдим. Раҳбари сиз экансиз. Номингиз уша пайтлардаги энг машҳур шоирники монанд ҳаммага таниш эди. Араб тилига ихлос қўйган одам борки, сиздан сабоқ олишни орзу қиларди. Мен ҳам уша орзумандлар қаторида эдим.

Куз кунларининг бири. Пахта заводига қарашли кенгина клуб. Машгулот шу клубда утиши керак. Бирпасда клуб ўқувчилар билан тўлди.

— Домла келяпти, — чор атрофдан овозлар эшитилди. Остонада сиз қуридингиз. Урта буйли, ҳокисор қиёфа, самимий чехра. Қадам ташлашдан то саломлашишигача соф зиёли.

Ҳақиқатан ҳам сизнинг хар бир хатти-ҳаракатин-гиз каттаю кичик ўқувчиларингиз учун одоб, маъри-фат китоби эди. Ва биз бу китоб саҳифаларини ташналик билан, муҳаббат билан, кучли идрок билан икки йил ўқидик.

Афсуски, мен ўқишни охиригача давом эттира олмадим. Аммо Яратган бизни қисқа фурсатга булса-да, сиздай азиз устозга рубару қилгани учун беадад шукурлар булсин! Араб алифбосига асосланган эски ёзувни урганган юзлаб ўқувчиларингизни Оллоҳнинг улуг китоби — Куръони Каримни ўқий олиш бахтига муяссар этдингиз. Улар Ислом не дин, унинг устунлари не, иймон не, унинг асослари не билиб олдилар ва бошқаларга ҳам билдирмоқдалар. Инсон учун, ўқитувчи учун бундан-да улуг савоб, бундан-да юксак саодат борм!

Ушбу битиклар биз шогирдлар қалбида сизга аталмиш меҳр булогининг кичик ирмоқлари холос.

Омон булинг, устоз!

Маҳфуза УСМОНОВА, Фарғона

ФИКРЛАШ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Байрам баҳона пойтахтимизда-ги Ўзбекистон темир йўллари ак-ционерлик компаниясига қараш-ли Абдулла Авлоний номи 40-урта умум мактаб фаолияти билан танишдик. Шунинг алоҳида таъкид-лаш жоизки, халқ таълими тизи-мидаги ислохотлар мактаб ҳаёти-дан чуқур урин олган. Айниқса, ислохотлар жараёни ўқитиш, таълим-тарбия соҳасида яққол на-моён булади.

— Эндликда эсқича усулда би-лим бериб бўлмайдил, — дейди мак-таб директори Саида Маматқуло-ва. — Бугунги ўқувчилар илмга чанқок, кўпроқ дунёвий билимга қизиқувчан. Биз ўқувчиларнинг ана шу истак-хоҳишдан келиб чиқ-қан ҳолда фаолият кўрсатаймиз. Шунингдек, ўқувчиларда истик-лол ғоялари билан суғорилган дун-екарашни шакллантириш ҳам маорифчилар олдидаги муҳим ва-зифалардан бири эканлигини унут-маслигимиз керак.

Дарҳақиқат, ўқувчиларга хар то-монлама дукта ва чуқур билим бериш борасида мактаб ўқитувчи-лар жамоаси катта изланишлар олиб боришмоқда. Уч йилдирки, мак-табда ўқитишнинг жаддалаштирил-ган усули қўлланиляпти. Бу — иктидорли ўқувчиларни алоҳида синфларда ўқитиш дегани. Икти-дорли болаларни танлаб олиш эса туққизинчи синфдан бошланади. Шу синфдан кейин мактабда фа-қат аъло ва яхши баҳоларга ўқийди-ган ўқувчилар қолади, холос. Уларга барча фанлар қатори инглиз тили чуқур ургатиляпти. Шунингдек, олий ўқув юртиларига кириш учун тайёрланади. Албатта, хар бир ян-гилик вақти-соати келиб ўз самара-сини кўрсатади. Чунончи, халқ таълими соҳасидаги ислохотлар ме-васи ҳам кузга ташланмоқда. Буни қуйидаги рақамлардан билиш мум-кин. 1996 ўқув йилида 46 нафар битирувчилан 35 нафари олий ўқув юртига киришга муваффақ булди. Жорий йилда эса 25та ўқув-

чининг 23 таси ана шундай бахтга муяссар булди.

Мактаб жамоаси хар бир ўқув-чининг кейинги тақдир билан ҳам жиддий шугулланиб келади. Мактабни битирган ўқувчилар ко-билиятларига яраша турли ўқув мас-каларига юборилади. У ердан бир-рор касб-ҳунар эгаси бўлиб чиқиш-лари учун барча имкониятлар яра-тиб берилади.

Энг муҳими, мактабдаги таълим-тарбия ва ўқитиш жараёналари давр талабидан келиб чиққан ҳолда олиб боришмоқда.

— Аввалгидек, китоб бўйича да-рс утиш, ўқувчиларга куруқ матн-



ни еллатишларга чек қўйдик, — дейди 4 «Г» синф раҳбари Феруза Олимжонова. — Тажриба шунини кўрс-атмоқдаки, ўқувчиларни кўпроқ эъма ишлардан кура озакки машгу-лотлар қизиқтира экан. Айниқса, ўқувчиларда ижодий машгулотлар-га иштиек баланд. Бунинг афзал томони шундаки, ўқувчилар муста-қил фикрлашга урганишди. Уларда нутқ маданияти усиб бора-ди.

Ҳа, ўқувчиларнинг мустақил фи-қрлашга урганишлари ижодий хо-лдиса. Чунки фикр бор жойда тарақ-қиёт булиши шубҳасиз. Узликни англаш ҳам шундан бошланади.

Г. ҲУСАИНОВА

Сурагдла: мураббия Феруза Олим-жонова

Эҳтиром

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР

Ёшинг улгайгани сайин, ўқувчилик даврдан йиллар силсиласи сени узоқлаштира боргани сари уша пайтларни кўпроқ кўмсар экансан киши. Мен ҳам илк бора мактаб остона-сига қадам қўйган кунимни яхши эслайман. Қўлимда буй-бастимга мос жажжи сумка, бир даста гул билан мактаб ҳовлисига қадам қўйганимда очик чехрали бир аёл қарши олди ва ўзим тенги угил—қиз-лар сафига етаклаб борди. Си-нфга киргандан кейин бу му-лойим сузли, қарашлари меҳр-ли аёл ўқитувчимиз Шозода Абдуллаева эканини билиб ол-дик. Муаллимимиз бизга ҳарф танитдилар, ўқиш-ёзишни ур-гатдилар. Ҳазрат Навоий бит-ганларидек:

Ким сенга бир ҳарф

ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг

ҳақин юз ганж ила.

Шунинг учун қалбимизни илм нурлари билан чарогон этиб, маънавий уруғларини сочган, тугри йул кўрсатган устозларга мингдан-минг таъзим айлаб, раҳматлар айта-ман.

Ойнахон Жўраева,

Жаҳон тиллари

университети

талабаси

Республикаимизда 10 ми-нинга яқин умумтаълим мак-таблари мавжуд.

Халқ таълими соҳасида меҳ-нат қилаётган ўқитувчи ва тар-биячилар 500 минг нафарга яқинни ташкил этади.

Умумтаълим мактаблари-да таҳсил олаётган ўқувчилар сони 5 миллион нафардан зиёд.

Бу йил салкам 650 минг угил-қиз 1-синфга ўқишга борди.

Республикаимиздаги 268та урта махсус билим юрти, тех-никумларда 170 мингта яқин талабалар таҳсил олмақда.

Назм гулдастаси



Қамбар ОТА

Тушимда учаман,
Кўкни кучаман.
Гашту сафоларга
Бағрим очаман.

Ўнгимда югуриб,
Елганим-елган.
Уловсиз, пилёда
Юрганим-юрган.

КУЗГИ ЯПРОҚЛАР

1
Баҳоринг келганда
Яйраб қол япроқ.
Бошга кўтарганда
Меҳрибон дарахт.
Пайт келиб, чирт этиб
Узилсан бирок,
Қайта сенга насиб
Этмас бундай бахт.

2
Кузда дарахтлардан
тушган ҳар япроқ
Одам юрагини эслатар
менга.
Оламни яшилга буркаган
юрақ,
Ўйлайман, не сабаб
тўшалар ерга.
Япроқлар наҳ ерга сингиб
боряпти,
Ер билан япроқнинг фарқи
жуда кам.
Табиат юракни ерга
қоряпти,
Бир бутун юракдир ернинг
ўзи ҳам!

ҚАТ-ҚАТ КЎЙЛАК

Қат-қат кўйлак, қат
кўйлак,
Суйгун, муҳаббат кўйлак.
Юракларни яйратиб,
Қилпирайди шод кўйлак.

Ичи тўла оловми,
Ё бу ўтли яловми?
Ошиқ дилларни қасдган
Ёндиршига гаровми?

Қатларда наҳот кўйлак,
Ишқ битилган хат, кўйлак.
Жононга бир сўз демай
Бунча бешафқат кўйлак.
Ҳай-ҳай, ярашиқ қат-қат.
Қатлам-қатламми ифбат?
Истагим, кўйлак арзон,
Муҳаббат бўлсин қиммат.

Бешинчи синфда ўқирдим. Мактабда «Еш шоирлар» тугараги ташкил бўлди. Хайрон бўлиб, ҳаяжонланиб залга кирдим. Холмуҳаммад Қулниева деган тил-адабиёт ўқитувчимиз беш-унга болага шеър ҳақида гапираётган эканлар. Дом-ланинг узлари ҳам ҳажвий шеърлар ёзар, туманимизнинг «Галла fronti» газетасида босилиб турарди. Биз уларни дар-ҳол ўқир, кейин муаллимга хайрон бўлиб қараб юрардик: «Қанақа қилиб ту-қир эканлар?»

Бугун эса бизларга шеър ёзишнинг қондалари ҳақида тушунтириб утириб-дилар!

айтдик. Бугун эса, уни чиқариб ташла-дик... Бу ҳол менга гирт адолатсизлик бўлиб туялди.

Кейин мана шу ҳолатимни Қулние-зов домлага айтиб: «Шуни шеър қилиб ёзсам буладими?» деб сурадим. Домла фавқулодда уйга чумиб қолиб: «Худди шуни ёз!» дедилар.

Шундай қилиб, биринчи шеърим ёзил-ди. Домла маъқуллаб, уни район газета-мизга бостирди.

Шундан кейин икки йил шеър ёзиб юрдим. Шуниси қизиқки, нима ёзмайин, мазмуни илк шеъримга ухшап булар,

Куллуқ

газетасида икки ой давомида босилди. Шуниси ҳайратомузки, қиссага уша ҳи-қоя замин бўлган, қиссани газетга тав-сия этган киши эса — дорилфунуннинг Адабий маҳоратдан дарс берадиган ўқи-тувчиси — йирик олим Матеқуб Қушчо-нов булган.

Бир холини алоҳида қайд қилиш кела-ди: менинг илк маъқимни қўлаган Хол-муҳаммад Қулниева билан ҳам, кейин-

КЎНТИМ ИЗҲОРИ

Бади

Хуп, уни-буни тушундик. Кейин ҳам-мамизга битта мавзуда — «Арча» деган шеър ёзиб келишни тошпирдилар. Уша кунлар Янги йилга — бизнингча, Арча байрамига тайёргарлик кураётган эдик. Қишлоғимизнинг шимолда Бойсуноғ тизмалари ҳузрилиб ётар, биз бадан-тарбия ўқитувчимиз раҳбарлигида бит-та юк машинасида бориб, иккита арча кесиб келган эдик. Ушанда мен жонли-ёввойи қуённи, бизнингча, товушқой-ни биринчи марта курган эдим: унчага қуённинг расмини китобларда куриб, қуён ҳақида эртақларни ўқиб — ҳая-жонланиб юрардим. Хуллас, Арча байрами кунни ҳам етиб келди. Биз арча-миз атрофида айланиб қушиқлар айт-дик, дикломациялар ўқидик. Қорбобо-ни кутиб олдик, шимолдаги урмонлар-дан, айиқлардан, қуёнлардан келтир-ган саломларига қушиб, совгаларини ҳам қабул қилдик. Эсимда: ҳамма тар-қалиб кетгандан кейин ҳам мен арча-нинг тагида анча ўтирдим — унинг усиб турган сри, қор ва қуённи эсладим. Кейин нимагадир арчага ачиндим ҳам. Аммо кейин узимга тасалли бердим: ахир бизни хурсанд қилди-ку бу!

Оралан уч-тўрт кун утгач, қарасам, мактабнинг орасида — қоровулнинг уйи ёнида етибди... арча! Қаранг, кунни кеча уни мақтаб, шаънига шеърлар

кейин билсам, табиатга муносабат, уни севиш ва унга ачиниш, умуман — бугун-ги ташбех билан айтганда, экологик тар-биям ушанда бошланган ва ҳамон уша йулдан қайтмаган эканман.

Домла Қулниева, Сизга раҳмат!

Фалакнинг гардишини қарангки, ет-тинчи синфни битираётганда

«Хатарли суқ-моқда» деган биринчи ҳикояни ёздим. Унда тоғда адашиб қолганим ва бир уртоғимнинг номардлиги тас-вирланган эди. Домла Қулние-зов ҳикояни ҳам маъқуллаб, уша газетамизда чоп эттирдилар. Шундан кейин мен насрга бе-рилиб кетдим.

Унингча синфни битираётганимда «Тоғлар орасида» деган каттагина қис-сам тайёр эди. Қисса Тошкент универси-тетининг иккинчи курсига ўтган йилим «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тоғ юлдузи»)



Шукур Холмирзаев

Изтироб

МЕНИ СЕВИНГ...

... Энди-энди Сизсиз яшамок нақадар оғир эканлигини ҳис этаётман. Бундан азоб-ланиётман. Сиз эса ҳатто ортингизга ҳам қарамайсиз. Мен умидвор бўлиб термула-ман, Сизга бахт тилаб қоламан. Хайрлаш-моқ лаҳзалари қанчалар оғир. Сиз билан кечирган дамларим гарчи қисқа бўлса-да, уша сурури лаҳзалар бир умр қалбимда муҳрланиб қолади. Ҳар гал суҳбатлашганим-да, чеҳрангиздаги меҳрни куриб, суданг лабларингиз орасидан ситилиб чиқаётган сўзларни тинглаб юрагимнинг яралини алла-қандай малҳам топгандек буларди. Тиззаларингизга бош қўйиб, уша узим сезган мунгли кузларингизга термулдим келавсарди.

Ҳар кеч узим тутилиб ўсган қишлоғим-нинг гузал манзараларига қараб ҳаёл сура-ман. Улар Сизни эслатади менга. Шу оғир сукувати билан улар сизга ухшашиди. Улар-нинг ҳам ҳеч ким билан сирлашмайдиган дардлари бор. Ҳар кун оқшом ишдан қайта-ётиб, Сиз билан учрашадиган бекатдан ўтиб кетаман. Шунда беихтиёр кузларим уша дов-дарахтлар орасидан Сизнинг изларингизни ахтарди. Худди Сизни учратиб қоладиган-дек ен-атрофта олазарак назар ташлайман. Кунлар бирам узун, кунлардан ҳам тунар узун... Эҳтимол, менга шундай туялар...

... Уша кунги учрашувимиз наҳот энди сунгиси бўлса?! Ҳеч ишонгим келмайди. Сиз уша кун мен билан олдатгандек, ол-дийгина яна қайта учрашадигандек хайр-лашдингиз. Билмадим, энди мен яна Сиз билан учрашиб, Сизнинг дийдорингизга туйиш бахтига муассар бўла олармиканман?! Сизни бир кўрмоқ учун бугун бир ҳаётим-дан воз кечишга тайёр турган холимда шу-ларни уйлайман. Қасрда, қандай давраларда бўлмайин, тўлиб-тошиб Сиз ҳақингизда суз-лагим келавсарди. Энди ҳаётимда Сизга ух-шаган одамни учратишим жуда қийин. Мен бунга аминман. Сизнинг гузал хотирла-рингиз, едингиз билан яшайман. Бу оғир албатта. Лекин наҳора...

Саодат ҒОЙИПОВА

ЯШИЛ КЎЙЛАК

Ҳикмат

Уни йулда учратганимда, азон қақи-рилаётган эди.

— Юр, сени масжидга олиб бораёйин. Биласан, бугун жума, — дедим.

— Сен ҳам биласанки, мен масжидга бормайман, — деди.

— Масжидга бормаслигингни била-ман, аммо сабаби нимакин, деб куп уйлайман.

— Узим ҳам тушунмайман, нимага-дир ҳеч торتماйди-да, — деди. — Балки муҳитнинг таъсири бордир. Ҳам шимми-нинг дазмолли бузилиб, тиззаларимнинг урни чиқиб қолади, деб қўрқаман...

Беихтиёр кулиб юбордим.
— Хазиллашяпсанми?! Шу ҳам баҳо-на бўлди-ю...

— Жиддий гапиряпман, — деди у. — Кийимга, айниқса, яшил кийимга учли-гимни биласан-ку.

Ҳақиқатан, дустим ажойиб эди. Бир-бирдан гузал кийимларини албатта яшилдан ёхуд яшилнинг бошқа бир ту-сидан танлар ва ҳар доим дазмолли ҳол-да юрар эди.

— Хуп, майли... Ҳаётингда ҳеч мас-жидга борганмисан?

— Болалигимда, бобом билан бирга бир неча бор борганман, — дея жавоб қилди у. — Ҳар қалай, у пайтлар тиззала-рим сийлиб кетишидан ҳам қўрқмаган бўлсам керак. Лекин энди масжидга бо-ришимга кузим етмайди.

Унинг мулоҳазалари мени ниҳоятда ҳайратда қолдирди ва бу ҳақда гап очга-

нимга пушаймон бўлдим. Ниҳоят, қул сиқилиб хайрлашдик.

Бу суҳбатимиздан икки ойлар утган эди. Унинг масжидга эканини айтишди. Дарҳол етиб бордим. Айондаги намоз сафларининг энг олдида топдим. Усти-да яна яшилликлар...

Секингина ёнига яқинлашдим ва паст овозда:

— Ҳа, биродар, масжидга келмоқчи эмасдинг? — дедим. Лом-мим демади. Чунки... мусалло топи устида, яшил епин-чиқли бир тобут ичида ётарди у.

Жунайд Суевий

Эътироф

Ламартин: «Инсон буюклиги қан-дай ўлчанишидан қатъий назар, Муҳаммад алайҳиссаломдан улуг-роқ зот бўлмайди.»

Бернард Шоу: «Мен хайратга лойиқ бу инсонни ўрганиб қилдим. Уни инсоният ҳалоскори сифатида тан олиш лозим. Ҳозирданок мени-нг миллатим ва Европа миллатига мансуб қўллаб кишилар Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом динига киргандирлар.»

Гёте: «Инсоният ҳар жиҳатдан Ҳазрати Муҳаммад (С. А. В.) ол-ардир.»



— Саид Носирович, мустақиллик йилларида республикамизда барча соҳаларда булгани каби тиббиётда ҳам кенг ислохотлар амалга оширилди. Шу борда сиз раҳбарлик қилаётган даргоҳда қандай ўзгаришлар юз берди?

— Албатта, бизда ҳам истиқлол туфайли бир қанча ижобий ўзгаришлар юз берди. Маълумки, институтимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда фаолият қуратади. Хорижий мамлакатлар илмгоҳлари ва фирмалари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ҳисобига қатор муваффақиятларга эришилди. Хусусан, илмгоҳ учун энг замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар сотиб олдик. Деярли барча бўлимларимиз компютерлаштирилди. Ҳозирда беморларни замонавий усуллар билан даволаш йўлга қўйилган. Илмгоҳимизда Медлайн дастури асосида ишлайдиган компютерлар шифокорлар ишини енгиб қўлади.

— Ҳуқуқимиз соғлом авлоднинг вояга етказиш йўлида жуда қатъи ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, «Соғлом авлод учун» Халқро хайрия жамғармасининг ташкил этилиши бунга мисол бўла олади. Сиз раҳбарлик қилаётган институтда бу борда қандай ишлар қилиняпти?

— Институтимизда поликлиника, туғруқ, гинекология, эндокринология, клиник диагностика бўлимлари бўлиб, ҳозирда улар ёнига яна бир янги бўлим—болалар ва усмирлар гинекологияси қўшилди. Ушбу бўлим республикамиз

идлар тугилишига асосий сабаблар нима?

— Купчилик ҳолларда қариндош-уруққа уйланиш ва қолаверса, ота еки онанинг ичкиликка муккасидан кетганлиги сабаб бўлмоқда.

Медика-гнетика ва бошқа бўлимларда ҳомила то туғилгунга қадар врач назорати остида бўлади. Ультрааппаратлар орқали ҳомиладарнинг қандай ривожланаётгани кузатиб борилади. Туғри, ногирон

диган дорилар йўқотилди, аёллар меҳнати бироз бўлса-да, енгиллашди, аёлга эътибор ошди. Аёлларимиз ҳам узига озгина бўлса-да, эътибор билан қарайдиган бўлилар.

— 35 ёшдан сунг туғиш аёл саломатлиги учун зарар, деган гаплар юради. Сиз шу гапларга қандай қарайсиз?

— Куп йиллик илмий кузатишларимиз шунини қуратадики, қизлар ва йигитлар деярли 20 ёшдан

Бизнинг сўхбат

— Она бўлиш гузаллигининг энг баланд чуққиси. Агар аёл организми соғлом бўлса, ҳомиладорлик беками куст ўтса, аёл қомати туққаннан сунг янада гузаллашади. Агар она носоглом бўлса, у болага ҳам, аёлга ҳам ўз асоратини ўтказди. Бундай тақдирда аёл озим беки бўлмаса семириб кетиши мумкин.

— Сизларда фақат аёллар даво-ланишадими?

— Бир пайт фақат аёлларни текшириб даволашган. Кейинги 5-6 йил ичида бунга чек қўйилди. Бугунги кунда поликлиникамизда эркаклар учун андролог, уролог, сексопатологлар иш олиб бормоқда.

— Сиз нима дейсиз, илмгоҳдаги мутахассислар ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладими?

— Илмгоҳимиз ун йилдан буён юқорида айтганимдек, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлик қилиб келади. Шифохонамизда куп йиллик меҳнат тажрибасига эга булган тажрибали шифокорлар фаолият қуратади. Олим ва мутахассисларимизнинг фандаги эришадиган ютуқлари Узбекистон Республикасининг тиббиёт илмгоҳлари ва укув юртиларида амалда қўлланилмоқда. Шунинг билан биргаликда илмгоҳимиз компютерлаштирилиши муносабати билан Америка ва Исроиладан тест саволлари олиб, шифокорларимизни ҳар «кварталда аттестациядан ўтказиб бораётимиз ва бу уларнинг дунё илгор табаоти билан ҳамқаддам бўлишида кул келмоқда.

Дилбар САФАРОВА сўхбатлашди

ОНАЛИК ГЎЗАЛЛИКНИНГ ЧЎҚҚИСИДИР

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти директори Саид СУЛТОНОВ билан мулоқот

буйлаб мактабларда балоғат ешидаги қизларни гинекологик куриқдан утказмоқда.

— Еш келин-куевлар ва умуман турмуш қураётган ешларга жинсий тарбия, ҳомиладорлик вақтида нималарга риоя қилиш туғрисида йул-йўриқ қуратадиган маслаҳатхоналар борми?

— «Оила ва турмуш» деб аталувчи республика аҳамиятидаги маслаҳат-поликлиника илмгоҳининг муҳим бўлими ҳисобланади. Бунда барча гинекологик касалликлар аниқланиб, даволанади. Шу билан бир қаторда, Медикагнетика бўлимимиз бепуштлиқ, ногирон фарзандлар туғилиши сабаблари ва уларнинг олдини олиш билан шуғулланади.

— Сизнингча, ногирон фарза-

чақалоқлар туғилмайди эмас, туғилади. Бироқ уларни ҳам мумкин қадар соғайтиришга эътибор берамиз.

— Баъзи бир аёлларимиз касал бўлишларига қарамай, ҳомиладор бўлаверадилар. Айтгайлик, кейинги вақтда қўшлаб аёлларимиз камқонликдан нолишди. Бу ҳомилага, қолаверса, она саломатлигига таъсир қилмайми?

— Тури, ҳомиладор аёлларимизнинг бир қисми камқонликдан азият чекишди. Статистик маълумотларга қараганда, анемия (камқонлик) аёлларимиз орасида куп учрайдиган касалликдир. Лекин кейинги пайтларда бу касаллик илгариларига нисбатан анча камайди. Чунки касалликни келтириб чиқарадиган, пахта далаларида сепила-

кейинги аномик ва физиологик жиҳатдан бутунлай камолотга етидилар. Мана шу ёшдан то 35 ёшга қадар организмнинг энг навоқирон пайти ҳисобланади. 35 ёшдан кейин ҳам туғиш у қадар зарарли эмас. Баъзиларнинг бундай дейишида ҳам озгина асос бор. Негаки, одам 35 ёшга қадар бошидан не ташишилари ўтказди. Шунинг оқибатида эса организм ҳам, киши руҳияти ҳам бир қадар зарарчанайди. Албатта, булар ҳомилага ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Қолаверса, 35 ёшдан кейинги ҳомиладорлик ҳам бироз қийин кечади.

— Баъзи мамлакатларда аёллар қоматларини сақлаш учун туғишдан воз кечишар экан. Ростдан ҳам туғиш аёл қоматини узгартириб юборадими?

НИКОҲ АРАФАСИДА

Халқимизда қадимдан қолган шундай урф-одат бор:

келин-куев қўлуғ остонани ҳатлаб чимилдикка қираб экан, янгалар эналар мисоли уларга бош-қош бўладилар. Еш оиланинг илк қадам босишидаги барча масъулият ҳаммаша уларнинг зиммасига оқланади. Бу урф-одат ким томонидан ва қачон жорий этилган, буни-ку бирор кимса аниқ айтиб бераолмайди, аммо уларнинг ўзи туйларимизда никоҳ каби эъзозли бўлиб қолган.

Хўп, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу урф-одатнинг қандай сир-синаоти бор? Никоҳ оқшомида икки еш юракнинг жулқин туйғуларига янгалар нега еш бўлади? Нега у асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётми?

Албатта, бу урф-одатлар шунчаки эрмак учун ўйлаб топилмаган. Унинг биз ҳали англаб етмаган, бекфарқ қарайдиган жиҳатлари жуда куп. Ота-боболаримиз жуда донишманд утишган. Улар еш оиланинг кейинги ҳаёт йўли, фарзандларига нисбатан ва узаро меҳр-муҳабати биринчи никоҳ оқшомига ҳар томонлама болғиқлигини чуқур ҳис этишган. Мана шу масъулиятни юракдан туйган ҳолда янгаларни энага мисол танлаган бўлсалар ажабмас. Янгалар бу қўлуғ оқшом боис икки ешнинг қиёматли сирдошига айланган. Ҳатто айтиш мумкинки, шу тун уларнинг дарди, кечмишлари билан яшаган.

Ҳоҳида инсон ақл-заковатига ҳам панд берадиган бизнинг серпештоб даврда бу урф-одатларимизга қай даражада эътибор бераётимиз? У эскилик сарқитлари дея бир четга сурилиб қўйилгани йўқми?

Маълумки, утган мустабид тузум даврида миллийлигимизга туғри келмайдиган гоёни онгимизга мажбуран сингди-

ришга ҳаракат қилиб келинди. Бу йўлда тинимсиз ташвиқот ишлари олиб борилади. Бу қурғулик «муқаддас совет оиласи» деган бемаза гоё эди. Унинг таъсирида қўшгина қадриятларимиз қатори оила, никоҳ, жинсий тарбия каби зарурий масалалар унутилишгача бориб етди. Мактабларда укутилиши у еқда турсин, бу ҳақда матбуотда езини ҳам қаттиқ таъқиқланди. Аксарият ҳолларда «эскилик сарқити» деб қаралди. Бир неча авлод бу тарбиядан бебаҳра қолди. Яширишга ҳожаг йўқ, биз юқорида тилга олган никоҳ туйларимиздаги урф-одатларга ҳам бугун номигагина амал қилнаётимиз. Устига-устак янғили томони шундаки, баъзи ҳолларда янгаларнинг нотуғри ҳатги-ҳаракати туфайли айрим еш оилалар бир умрлик бахтсизлик гирдобига ҳам тушиб қолаётми.

«Мустақиллик шарофати туфайли, — деб ёзади самарқандлик Б.исмил йигит, — бугун матбуотда оила, никоҳ ва бошқа миллий урф-одатларимиз хусусида очиқ-ойдин ёзилаёпти. Бунинг албатта, одамларга, айниқса, ҳали оила қуриб улгурмаган ешларга сабоқ бўладиган жиҳатлари жуда куп. Шу уриндан мен ҳам никоҳ арафасида бошимдан кечирган бир воқеани сузлаб бермоқчиман. Қисқаси, мен ҳарбий хизматни тугатиб қайтагач, ота-онам туй тарадудини бошлаб юборишди. Қуз остига олиб юрган қўшни қишлоқдаги қизга уйлантириб қуйишди. Туй ҳам бўлиб ўтди. Ҳамма хурсанд. Ёру дусларимиз ер-ёр айтиб қизни чимилдикка кузатиб қуйишди. Янгалар ҳам узларича шивир-шивир қилиб қўшни хонага чиқиб кетишди. Орзуимдаги илк висол оқшоми... Бундай пайтда одамзод қандай ҳаяжонлар қуршовида қолишини бошидан утганлар яхши билинса керак. Биз ҳам ана шундай ҳаяжонда

эдик. Бир-биримизга тикилардик. Кунгида уятми, йиманишми шунга ухшаш ажиб ҳислар. Шу пайт қўшни хонадан пиқ-пиқ кулгилар, турли товушлар эшитилди. Булар янгалар эди. Буни англаб негадир кунгим хижил бўлди. Ташқарига йуналдим.

Янгаларнинг шаддотроғи тилини тиёмлай: «нега қўчиб чиқдингиз, куев?» деб қолди. Унинг гапидан узимни айбдордек сеза бошладим. Қип-қизарганча нари кетдим. Кун буйи кайфиятим тунд бўлиб, нохуш кайфиятда юрдим.

Шунинг таъсири бўлса керак, иккинчи кеча ҳам... Энди соғлигимга узим ҳам шубҳа қила бошладим. Ҳаслимга ҳар ҳил воқеалар келади. Бу дунёда узимни қўярга жой тополмай қолдим. Оралдан бир ойлар ўтгач, Тошкентга — врач хузурига боришга мажбур бўлдим. Буни қарангки, тиббий куриқдан ўтказгач, «сопна-соғсиз» дейишди. Мен фақат рухий изтироб домига тушиб қолиб узимни касал санаб юрган эканман. Албатта бу рухий ҳолат янгаларнинг уша кунги пичинг аралаш сузларидан кейин пайдо бўлганли... Худода шукур, ҳозир икки нафар фарзандим бор. Оилам билан яхши яшайман. Аммо шунча изтироблар чекимизга мажбур қилган янгалар бу ҳақда узларига тегишли хулоса чиқариб олишганимкан?»

Худди юқоридагидек юз берган иккинчи воқеа ҳам кишини чуқур уйга солади. С. ва М.лар никоҳ туйларига қадар бир-бирларини яхши билишмас эди. Қариндош-уруғларнинг уртага тушиши уларнинг оила қуришига сабаб бўлди. Оқсоқоллар бу икки ешнинг бахтини тилаб, нон улатишди. Тезда туй кунини ҳам белгиланди. Ва ниҳоят никоҳ оқшоми стиб келади. М. бу кунгача янғасидан турли «доно» маслаҳатлар эшитган ва улар таъсирида кунгида эркакларга нисбатан ожизгина нафрат уйғонган эди. Шунинг учун ҳам у дастлаб бўлгуси умр йўлдошига севимли ер деб эмас, аллақандай бегона туйғу таъсирида

Мутахассис минбари

қарайди. Йигит ҳайрон. Ҳаслимга турли уйлар кела бошлади. Охири у келиндан «Яхши қурган йигитингиз бормиди?» деб суради. М. эса «йўқ» деган ишора қилиб юм-юм йилгайверади. Вақт утини билан С. ҳам воқеликка, ҳаётга бекфарқ қарайдиган бўлиб қолади. Оралдан бир ойлар ўтгач, куев наҳот истаб врачга мурожат қилади. Врач унга келин билан бирга тиббий куриқдан утини олишмигини ўқдиради. Текширувлар натижасида шу нарса маълум бўлганки, М. «вагинизм» дардига гирифтор булган экан. Бу ҳасталик унда асосан янгаларнинг «доно» маслаҳатларидан сунг пайдо бўлган. Шифокорлар М.га муттасил ердан қилгач, у ҳасталикдан халос бўлади. Бу хатларда акс эттирилган воқеалардан барвақтроқ хулоса чиқаришга шошилманг, азиз муштарий. Биз бу борда янгаларнинг хизматидан бутунлай воз кечиш истагида эмасмиз. Ахир, жинсий тарбия хусусида ҳеч қандай билимга эга булмаган еш келин-куевларга кимдир насиҳат қилиши керак-ку. Аммо бу борда жуда эҳтиёт бўлмоқлик қони фойдалир. Қолаверса, туйларимиз шундай урф-одатлар, анъаналар билан гузал-ку. Никоҳ оқшоми эса ҳар бир йигит-қизнинг азалий орзуди.

Айтишларича, никоҳ арафасида келин-куевларнинг руҳияти шунчалик ноэкиликка мойил буларканки, унга зигирдек нозик суз ҳам улкан талофат етказиши мумкин экан. Бунинг исботи юқорида баён этилган мактубларда ҳам келтирилган. Биз шундан келиб чиқиб янгаларни яна бир марта ҳушёрликка чақирамиз. Келин-куевларимизни гулдек нозик лаҳзаларда нохуш сузлардан эҳтиёт қилинг.

Ўқтам МУҲАММАД МУРОД, олим

ОМАДСИЗ ОТАҚУЛ

Ҳажвия

Қарангки, тоғ-тоғ билан учрашмайди... деганларидек, болаликнинг ширин хотираларига қўшилиб олисларда қолиб кетган Антифашист билан орадан ун йиллар утиб яна учрашдик. Мен бу пайтда университетни битириб катта бир журналда кичкинагина ходим бўлиб ишлар эдим. Одатдагидай иш кунларининг бирода бекорчиликдан хотира боситимни қовлаштириб янги ёзиладиган ҳикоямга қаҳрамон излаб утирар эдим. Икки кунда бир овоз чиқарадиган соқов телефоним жириглаб қолди. О, нақадар майин қақиради бу жонивор. Яна, яна жириглашини тоқат қилиб кутдим. Олмасам бўлмайдиган, қуйиб қуйишлари мумкин. «Да», дедим салобат билан. Кимдандир эшитган эдим: узига ишонган одамлар телефонда «да» деб жавоб қилишар экан. Жавобимга жавобан у томондан «Ма!» деган хитоб эшитилди. Шапта дастакни жойига ташладим. Оббо лаънатий, ким бўлди экан? Уйимни тутатгунча телефон тагин устма-уст қақирди. Бу сафар босиқлик билан, «эпитаман» дедим. Давомига безбетларча ҳирингланган кулги ҳам эшитилди. Жиддийроқ бўлмасам бўлмайдиган куринадди.

— Кимсиз?! Мени сиз билан майнавозчилик қилишга вақтинг йўқ. Гапингиз бўлса гапиринг, йўқса трубкани қуйиб қўяман, — дедим жаҳл билан.

— Ээ, шопша, ҳузурингга чиқмоқчи эдим. Эшиқбонинг қўймапти. Телефон қилиб юбор. Фамилиям Одилов Афросиеб, — деди у томондан шоша-

пиша. Буюртма бериб сабрсизлик билан кута бошладим: бу безбет Афросиебини ҳам бир қуриб қўяйликчи!

Бир пайт эшиқ тиқирлаб очилди. Остонада қулочини кенг кериб, тароқ қурмаган патак сочлари бошида супургидай хурпайган, устида унйққан етти сумлик хитой қуйлак, дазмол қурмаган шимининг почалари ту-пиғидан икки энлик юқорида, оёғида лагга ботинка, унғ кузининг қорачиғи одатдагидан унғроққа, чап кузининг қорачиғи бурунга томон қийшайган, товоқдай юзини кулги қоплаган жиккаккина Отақул-антифашист остонада пайдо бўлди. Куришдик. Гаплашдик. Шурлик шунча шёър эса ҳам шоир бўлмабди. Ҳажвчи бўлибди. Устозининг маслаҳати билан исмини замонaviлаштирибди. Бунинг таърифи узоқ экан. Мен қисқача қилиб айтиб бераман.

Қисқаси, Отақулнинг омадсизлиги панд бериб кундузги уқиниша киролмайди. Лириклик бўлмаса, физикликда, деб физика факултетининг кечки бўлимига топширади. Худонинг раҳми келибми, одам сзмаганиданми, Отақул уқиниша қабул қилинади. Шунда ҳам шёър ёзишни ташламайди. Омадсизликини қарангки, уқини битиргач юрдоши — шоир Нажмиддин Қувон билан танишади. Қувон унинг қанчадан-қанча пивосини иҷадио, лекин бир қатор ҳам шёърини газетлада чиқаролмайди.

Лекин шунча йил лақиллаб юрган Афросиебнинг кузи очил-

ди. Бир кун Қувон иккаласи роса пивохурлик қилишади. Омадсизлиги алам қилибми, ичган пиволари таъсир қилибми, хуллас, шу кечаси Отақул Қувоннинг устидан наприет директори номига шикоят эзиб юборди. Албатта, имзосиз.

Шикоят хатларга эътиборинг зурлигини қарангки, тез кунда Нажмиддин Қувон наприетдан палакмон бўлади. Бироқ, Отақулнинг омадсизлигини қаранг, Қувон бошқа бир масъулроқ ишга утиб кетади. Отақулга алам қилгани, дунёда омадсизликдан ҳам ёмонроқ бало йўқ экан. У яна Қувоннинг устидан шикоят эзиб юборса, ҳукуматнинг имзосиз хатларни текширмаслик ҳақидаги қарори лоп этиб чиқиб турибди. Тиришқоқ Отақул умидсизликка тушмайди. Қувоннинг устидан фелетон эзиб газетга олиб боради. Шунда устози Баҳром Каром билан танишади. Устози унинг «Пивохўр шоир» деган илк ҳажвиасини матбуотга чиқаради. Афросиеб тахаллусини беради.

Афросиеб энди шёърлар ёзмайди, фақат ҳажвиялар ёзади. Бир қанча ҳажвиалари матбуотда эълон қилинган. Келаси шанба унинг ҳажвиалари асосида телевизорда миниатюралар театри қуйлар экан. Афросиебнинг бу ерга келишдан мақсади, шанбада юрдошларини тушлаб ошхурлик қилиш ҳамда телевизор қуриш экан. Шунга мени тақлиф қилиб келибди.

Боришга ваъдани олиб ҳайрланди. Минг афуски, шанбада уникига боролмадим. Душанба ишга келсам боғти хабар. Во-



қсанинг қандай булганлигини қурганлар айтиб беришди:

Шанба кунини бир туду улуслигу боғозодликлар Афросиебни-кига отхурликка тушланишади. Озгина пивохурлик қилишади. Кечга яқин Афросиеб соатига қараб олиб тост айтиди: Уртоқлар мен сизларга қимлигимни исботлаб қўядиган, қулдан ориқиб кутган кун келди. Мени одам бўлмайди, деган Нажмиддин Қувон номаъқул бузоқнинг гуштини ебди, — дейди-да теле-визорнинг қулочини буради. Эҳранда пайдо булган диктор қиз хижолат билан уэр сурайди: Ҳурматли томошабинлар, дастуримизда эълон қилинган теле-миниатюралар театри айрим сабабларга кура қолдирилди. Ҳазир сизларни эл севган адиб, талантли шоир, ёшларнинг меҳрибон устози Нажмиддин Қувоннинг эллик йиллик юбилейи муносабати билан ижодий кечасига тақлиф этамиз.

Ҳамма ялғ этиб унга, Отақулга қарайди. Афросиеб шурлик ҳаво этишмагандек, озгини каппа-капта очадио «О...» деган гайритабий овоз қақариб студан аганаб тушади.

Муҳаммад РАЖАБ

XX аср: ҳодисалар силсиласи

«ОШ БЎЛСА, ИШ БЎЛМАСА»

Олмаҳурликда швейцарияликларнинг олдига тушадигани Ер юзидега топилмасе керак. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси йилга уртача 32 кило олма ейиши аниқланган.

Қажвани энг куп иҷадиган халқ эса финлар ҳисобланади. Уларда йилга киши бошига 15 кило қаҳва турги келаркан.

Таиландликлар қовуриб, бетига турли зирворлар сепилган чигирткани энг хушхур ва тансиқ таом сифатида хуш қуриб ейишади.

Хитойда инсон саломатлиги учун гоёт фойдали ичимлик сифатида чумоли шарбати истеъмол қилинади. Чумоли шарбати калориялик жиҳатидан сигир гуштидан турт баравар орткилиги аниқланган.

Яна швейцарияликлар ҳақида. Улар гоёт тансиқ ва қимматбаҳо таом ҳисобланган қора икрани ҳам энг куп истеъмол қилишаркан. Мамлакатта йилга 20 тоннадан зиёд қора икра келтирилиши бунни исботлайди.

Гарбий Европада антика талқикот утказилди. Маълум бўлишича, европалик ҳар бир киши умрининг уртача 15 йили овқатланишга кетаркан. Бунда жами 40 тоннадан зиёдроқ ҳар турли озиқ-овқатлар паққос туширилади.

Гонконг ресторани учун энг харидоригр таом илон шурва ҳамда димланган илон гушти бўлиб, бу ерга йилга 10 минг дондан зиёд ейишга яроқли илон туғиб келтирилади.

Денгиз буйида яшаганлари сабаб бўлса керак, португаллар балиқ гуштидан мазалироқ овқат йўқ, деб ҳисоблашади. Уларнинг йилга киши бошига уртача 43 кило балиқ гушти ейишлари ҳам шундан.

"FON" МҲЖ

- Телефон аппаратларининг сотади:
- VEF-TA-D — 1850 с.
 - VEF-MANUAL — 1550 с.
 - SAPURA-M — 2100 с.
 - DAEWOO DU-2340 — 2300 с.
 - DU-2341/2380 — 3600 с.

Барча келадиган аппаратларнинг бир йиллик каўчанат берилади.

Шунингдек:


- Panasonic KX-T 2365 — 12500 с.
- VEF-TA-611 — 1850 с.

Телефон нарх: 55-04-26, 61-00-66, 67-98-91

«РАНГЛИ ЛОК» ФИРМАСИ

Тошкент лок буюк заводи ишлаб чиқарган турфа хил маҳсулотлар оилангизга фазил, уйингизга кўрк, хонадонингизга гўзаллик ва тароват бахш этади.

Манзил: Тошкент, Содиқов кўчаси, 9. Телефон: (3712) 68-39-47, 35-34-51, 68-79-45



Чекланмаган миқдорда сотиб олади:

- Усимлик еғи
- Металл цинк
- 0,8 КПли пулат тунука, 0,5мм, 0,8мм, 1мм
- Пантэритрит
- Титан двуокис
- Фтал ангидрид
- Глицерин
- Чигит
- № 25ли оқ тунука
- Пулат чиқитлар
- Пулат тунука, қалинлиги 0,2 ммдан 2 ммгача

Сотади (нархи идишсиз, бир тоннаси учун):

- ПФ-115 эмал (туқ яшил, қизил, қора) — 165000-212000 сум
- ПФ-133 эмал (сарик) — 224200 сум
- БТ-52 лок-41300 сум
- ВДАК-229 бучеги — 53100 сум
- Том учун буюк — 153400 сум
- ПФ-КБ бучеги — 35400 сум
- ГФ-0163 — 118000 сум
- НЦ-212 локи (мебел учун) — 298 сум (бир килоси, идиши билан)

Халқ истеъмолчи моллари:

- ВДАК-229-73160 сум
- ПФ-223 оқ эмал (4 кгли идишда) — 218300 сум
- ПФ-226 эмал (3 кгли идишда) — 212400 сум



БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент-700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-үй

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20,
котибият — 34-86-91,
эълонлар бўлими — 136-56-52.
Урол СОДИҚ навбатчилик қилади
Обуна индекси — 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0683
32665 нуسخада чоп этилади.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади
Баҳоси эркин нархда